


ISSN 2181-8584

IRRIGATSIYA va MELIORATSIYA

№1(19).2020

*Journal of Irrigation
and Melioration*



Р.Т. Газиева, А.М. Нигматов, Э.О. Озодов
Минимизация схем управления с помощью логических элементов.....64

А.И. Анарбаев, Д.Б. Кодиров, Р.А. Захидов, Б. Усманов
Вопросы энергосбережения в насосных установках.....67

Р.А. Захидов, А.И. Анарбаев, Д.Б. Кодиров, Ф.Х.Мухтаров
Опыт создания комбинированных энергокомплексов на основе возобновляемых источников энергии.....71

СУВ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИ ВА ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ

Қ. Рахмонов, М.О. Абдурахимова
Қишлоқ хўжалиги субъектлари учун ер кадастри маълумотлар тизимини яратиш зарурияти.....77

Қ. Рахмонов
Ер контури - ер кадастрини юритишда бирламчи манба.....81

ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

А. Рамазанов
Прогноз и программирование урожая в орошаемой зоне.....86

УЎТ: 528.441(083.133): 332.334.004.725.7

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СУБЪЕКТЛАРИ УЧУН ЕР КАДАСТРИ МАЪЛУМОТЛАР ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ ЗАРУРИЯТИ

Қ.Рахмонов - и.ф.н., доцент, М.О.Абдурахимова - докторант
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Аннотация

Муаллифлар томонидан қишлоқ хўжалиги субъектлари учун фойдаланиладиган кадастр карталарини тузиш мақсадида алоҳида модели ишлаб чиқилган. Модель Тошкент вилоятида фаолият юритаётган субъектларга мўлжалланган. Мақолада сугориладиган ерларни йўқлама қилиш тартиби ва тизими илмий-услубий жиҳатдан асосланган. Соҳага оид ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида замонавий электрон ҳисоблаш машиналарини Ўзбекистонда татбиқ этиш имкониятлари очиб берилган. Ер кадастри маълумотлар тизimini қишлоқ хўжалик субъектларида шакллантириш мақсадида маълумотларни маълум бир алгоритмга келтириш тартиби тавсия этилган. Ахборотлаштирилган ер кадастри ахборотлари тизими қатор функционал ва сервис кичик тизимлардан ташкил этиш зарурияти очиб берилган. Тадқиқотлар асосида намунавий фермер хўжалиги мисолида шаклландиган ер кадастри ахборотларининг турлар кесимида кўрсаткичлар сони келтирилган. Мақолада ер кадастри ахборотларини шакллантиришда сугориладиган ерларни йўқлама қилиш маълумотларидан фойдаланиш зарурияти ва далолатномалар тузиш тартиби ёритилган. Юридагиларни ҳисобга олиб мақолада қишлоқ хўжалиги субъектлари учун ер кадастри маълумотларни яратишнинг аҳамиятли жиҳатлари ва зарурияти ўрганилган.

Таянч сўзлар: ер кадастри, маълумотлар базаси, рўйхатга олиш, ер ислоҳоти, автоматлаштирилган тизим, ер баланси.

НЕОБХОДИМОСТЬ СОЗДАНИЯ СИСТЕМЫ ЗЕМЕЛЬНО-КАДАСТРОВЫХ ДАННЫХ ДЛЯ СУБЪЕКТОВ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

Қ.Рахмонов - к.э.н., доцент, М.О.Абдурахимова - докторант
Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

Аннотация

Авторами разработана отдельная модель для составления кадастровых карт, используемых для сельскохозяйственных организаций, она предназначена для субъектов Ташкентской области. Статья основана на научно-методическом порядке и системе проверки орошаемых земель. На основе опыта передовых зарубежных стран в данной области представлены возможности внедрения современных электронных компьютеров в Узбекистане. Процедура преобразования данных в конкретный алгоритм рекомендована для формирования системы земельно-кадастровых данных в сельскохозяйственных субъектах. Раскрыта необходимость создания информационной системы земельно-кадастровой системы с рядом функциональных и сервисных подсистем. Приведено количество показателей в разрезе информации о земельном кадастре, основанное на исследованиях. В статье описываются необходимость использования информации о земельном кадастре, земель и способы составления информации о земельном кадастре. С учетом вышеизложенного в статье рассматриваются важность и необходимость создания базы данных земельного кадастра для сельскохозяйственных предприятий.

Ключевые слова: земельный кадастр, база данных, регистрация, земельная реформа, автоматизированная система, земельный баланс.

IMPORTANCE OF CREATING A SYSTEM OF LAND AND CADASTRAL DATA FOR SUBJECTS OF AGRICULTURE

К. Rakhmonov - c.e.s., associate professor, M.O. Abdurakhimova - doctoral student
Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

Abstract

A separate model and model were developed for compiling cadastral maps used by the authors for agricultural organizations. The model is intended for enterprises operating in the Tashkent region. The article is based on the scientific and methodological order and the system of destruction of irrigated lands. Based on the experience of leading foreign countries in this area, the possibilities of introducing modern electronic computers in Uzbekistan are presented. The procedure for converting data into a specific algorithm is recommended for the formation of a system of land cadastral data in agricultural entities. It is necessary to create an information system for the land cadastral information system with a number of functional and service subsystems. The number of indicators is presented in the context of information on the land cadastre, based on case studies of researchers. In view of the foregoing, the article discusses the importance and necessity of creating a land cadastre database for agricultural enterprises.

Key words: land cadastre, data base, registration, land reform, automated system, land balance.

Қириш. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек: "Ҳар бир қарич ер – давлатнинг, демакки, халқимизнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланади. Ундан ноқонуний, эбошимчалик билан фойдаланишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Афсуски, ана шу оддий ҳақиқатни тушуниб етмаган ёки

тушунишни ва унга амал қилишни истамаётганлар ҳамон учраб турибди" [1]. Республикамиз иқтисодиётининг тубдан интенсив ривожланиш йўлига бурилиши, барча соҳа ва тармоқларга жадал татбиқ этилиши, ягона иқтисодий организм сифатида агросаноат мажмуасининг фаолият кўрсатиши,

ердан фойдаланишда янги ва устувор йўналишларни татибиқ этишни талаб қилади [2]. Бугунги кунда мамлакатимиз ер фондидан самарали фойдаланиш бўйича кўплай ислохотлар амалга оширилмоқда. Шунинг эътирофи этиш зарурки, қишлоқ хўжалиги субъектлари учун ер кадастри маълумотлар банкни яратиш ушбу соҳадаги ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Маълумки, қишлоқ хўжалик ерлари кадастри – бу соҳадаги ер участкаларининг ҳуқуқий режими, уларни ердан фойдаланувчилар, ер мулкдорлари ва ижарачилари ўртасидаги тақсимоли тўғрисидаги; сифат (техник) тавсифи ва аҳоли пункти ерларининг қиймати тўғрисидаги маълумотлар ҳамда ҳужжатлар тизимидир. Шундай экан, қишлоқ хўжалик ерлари кадастри ер ахборот тизимини яратиш ҳар бир фойдаланувчида ўрнатиладиган автоматлаштирилган иш жойини ишлаб чиқиш ва қўллашни кўзда туттади. Ўрнатиладиган автоматлаштирилган иш жойидан фойдаланиш жараёнида ҳам алоҳида (локал) тарздаги маълумотлар базаси ҳамда қишлоқ хўжалик ерлари кадастрининг ягона маълумотлар базаси шаклланади. Автоматлаштирилган ахборотлар тизимини яратишда асосий масалалардан бири тизимни ахборотлар ва маълумотлар билан таъминлаш ҳисобланади. Автоматлаштирилган ахборотлар тизимининг кириш ахборотлари ердан фойдаланишни рўйхат қилишда ҳамда ундан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёнига оид расмийлаштириладиган ҳужжатлар ҳамда қўшни ахборотлар тизимидан кадастр марказига келиб тушадиган, қоғозлардаги ёки электрон маълумотлар тўпламидан иборат бўлади. Автоматлаштирилган ахборотлар тизимининг ҳар бири алоҳида ажратилган кичик тизими ҳам геометрик, ҳам график ахборотларни ташкил этади. Автоматлаштирилган ахборотлар тизими ахборотларни шакллантирадиган параметрик маълумотлар тизимининг кириш ахборотларини, умумдавлат ва маҳаллий маълумотномалар классификаторларни ҳамда локал маълумотларни танлашни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасида бугунги фойдаланилаётган ер участкалари қишлоқ хўжалигида турли ҳуқуқлар асосида, жумладан, ижара ва мулк ҳуқуқлари асосида юридик ҳамда жисмоний шахсларга фойдаланиш учун берилган. Уларга бириктирилган ер участкаларининг сони ва фойдаланиш тури йилдан-йилга ўзгариб бормоқда. Бу эса ўз навбатида ушбу ер участкаларига оид ер кадастри ахборот базасини тезкор услубларда янгиланган бориш бўйича бажариладиган ишлар ҳажмининг ортишига олиб келмоқда. Аммо ҳозиргача ер кадастри ахборот тизимини яратиш ишлари оддий услубларда бажарилиб келинмоқда. Натижада маълумотлар базасини яратишга кўп вақт ва меҳнат сарфланмоқда. Бундан ташқари, зарур ҳолларда ердан фойдаланиш натижаларига оид маълумотларни тезкор тарзда олиш имкони бўлмапти. Буларнинг барчаси ушбу тизимни автоматлаштириб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари этиштирувчи субъектларнинг ер участкалари бўйича маълумотлар банкни яратишни тақозо этмоқда.

Масаланинг қўйилиши. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ер муносабатларининг тубдан қайта қурилишига, ердан фойдаланишни ҳозирги шароитга мувофиқлаштириш ва бошқаришнинг бозор механизмларини шаклланишида янги бошқарув тизимининг яратилишига олиб келди. Шунинг ёдда тутиш лозимики, кадастр баҳолашнинг устувор мақсади - ер муносабатларини давлат томонидан тартибга солишда мезъерий – ахборот таъминотидаир [3].

Бундай шароитда ердан фойдаланувчи, ер участкалари билан бўладиган операциялар ҳамда уларнинг қиймат тавсифлари тўғрисидаги асосий маълумотларни ўз ичига олган ернинг ҳолати ҳақида тизимланган ахборотларни юритиш, яъни ердан фойдаланишни бошқариш ва мувофиқлашти-

ришни таъминлаш тизими сифатидаги тўлақонли ер кадастрини юритиш зарурияти туғилади.

Аграр соҳа тармоқлари учун ер кадастрининг мақсади ва моҳияти турличадир, чунки улар учун ҳаёт фаолиятининг функционал муҳити ҳам, уларни бошқаришнинг мақсад ва усуллари ҳам турлича. Бундай фарқ аҳоли пунктлари кадастрида жисмонийдан кўра ҳуқуқий ва фискал (солиқни ташкил этувчиларга, рўйхатга олиш кўрсаткичларининг турлича таркибига, кадастр хариталарининг мазмунига кўра) аҳамият берилишига олиб келади [4, 5, 6, 7].

Ечиш услуби. Аграр соҳада ер сиёсатини ўтказиш ва ер муносабатларини мувофиқлаштириш учун бошқарувнинг маъмурий органлари таркибиде ихтисослашган хизматни яратиш зарур. Унинг асосий функцияси ер ва кўчмас мулк кадастрини юритишдан иборат бўлиши керак. Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган ва Тошкент вилоятида қўллаш учун тавсия этилаётган моделнинг таркиби қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

- вилоят ичида алфавит сонли кўринишларда умум қабул қилинган шартли белгиларни кўрсатиш асосида ер участкаларининг, бино ва иншоотларнинг (шу жумладан, чизикли) контурларини;

- қабул қилинган алфавит-сонли шартли белгиларни чегараланган контурда, вилоят ичида кўрсатиш асосида ер ости объектлари ва қурилмаларининг (шу жумладан, чизикли) контурларни;

- ободонлаштириш элементларининг контурлари ёки уларнинг шартли белгиларни;

- йўллар, дала йўллар, йўлакларнинг чегараларини;

- бошқа объектларнинг номасштабли шартли белгиларини.

Моделга асосан қуйидаги талаблар қўйилади: моделнинг экранда ёритилган исталган нуқтаси координаталарга боғланган бўлиши зарур; турли ахборотлар бўйича сонли маълумотларни исталган берилган нуқтага боғлаш мумкин бўлсин. Ерларни йўқлама қилиш ишлари натижаларини умумлаштириш ва тасдиқлаш мақсадида вилоят ҳокимияти топширигига биноан туман ва вилоят ҳокимиятлари қошида махсус ҳайъатлар ташкил қилинади. Ерларни йўқлама қилиш "Ўздаверлойиҳа" илмий-лойиҳалаш институтининг ер тузувчи мутахассиси, хўжалик раҳбарлари ва бошқа мутахассислар билан биргаликда бажарилади. Сўғрилладиган ерларни йўқлама қилиш ишлари қуйидаги босқичларда бажариш тавсия этилади: тайёргарлик ва ташкилий ишлар, дала тадқиқот ишлари, майдонларни аниқлаш ва ер контурлари кесимидаги қайдномани тузиш, расмийлаштириш ва ҳужжатларни кўпайтириш, йўқлама қилиш ишларини кўриб чиқиш, тасдиқлаш.

Таҳлил босқичи. Юқоридагиларни амалга ошириш ўз навбатида ер ва кўчмас мулк тўғрисида автоматлаштирилган маълумотлар банкни яратиш билан узвий боғлиқдир, чунки ер участкалари ер кадастрининг объекти ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар аграр соҳасида ердан фойдаланиш ва кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотларни автоматлаштирилган рўйхатга олиш ва қайта ишлашга мўлжалланган, давлат аҳамиятига молик ахборотлар тизимини яратилмоқда ёки такомиллаштирилмоқда. Бундай даража миқёсдаги лойиҳаларни ҳаётга татибиқ этишдан асосий мақсад рўйхатга олиш тизимини осонлаштириш тезлаштириш, ишончлилигини ошириш, ердан фойдаланиш ва кўчмас мулк иқтисодиёти соҳаларидаги режалаштириш ва бошқарув масалаларига мослаштиришдан мақсад ҳам кўп мақсадли кадастр тизимини яратишдир.

Шунингдек, ер ва кўчмас мулк билан иш олиб борувчи ҳамда шу соҳаларни бошқариш, режалаштириш ва назорат қилиш бўйича турли масалаларни ҳал қилувчи турли даражалардаги маъмурий-хўжалик хизматларини ишончли, кўп қиррали ахборотлар билан таъминлашдан ҳам иборатдир.

Швеция дунёда биринчи бўлиб ЭХМ тармоқлари асосида ер ва кўчмас мулкларни рўйхатга олишнинг автоматлаштирилган тизимига тўла ўтишни яқунлади. Бу йирик ислохотнинг бошланиши ХХ асрнинг 60-йилларига тўғри келди. Шу даврда юририлаётган кўчмас мулк кадастри мамлакатда 1907 йилдан бери мавжуд бўлган. 60-йилларнинг ўрталарига келиб давлат ушбу мавжуд тизимни эскирган деб ҳисоблади ва компьютер маълумотлар банки асосида ер ва кўчмас мулкни рўйхатга олиш ҳамда ҳисоб қилишни бутун мамлакат бўйича янги, ягона автоматлаштирилган тизимини яратишни таклиф этди [8, 9, 10, 11].

Барча кўриб ўтилган автоматлаштирилган тизимлар ердан фойдаланиш, ер мулкларини сотиш ва уй-жой қуриш, ер мулкларга солиқларни меъёрлаш, янги ер эгаликлари ва ер мулкларини сотиш ва қишлоқ хўжалик ерлари тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш тўғрисидаги статистик ахборотларни тўплаш ҳамда таҳлил қилиш учун зарур бўлган маълумотларни ўз ичига олади. Юқорида қайд қилинган Швеция тажрибасини ўрганиш ва улардан фойдаланиш асосида Ўзбекистонда ҳам айнан шундай тизимни вужудга келтириш ер ва кўчмас мулк объектларини оқилона шакллантиришда муҳим омил бўлади. Автоматлаштирилган ахборотлар тизимини яратишда энг аввало, автоматлаштирилган функцияларни тўғри изоҳлаш муҳим.

Ташкилий таркиб, ер тузиш ва ер муносабатлари бошқармаси томонидан татбиқ қилинаётган ишлар рўйхати, туманнинг бошқа бошқарув органлари ва ташкилотлари билан маъмурий алоқалар автоматлаштирилган ахборотлар тизими таркибини аниқлайди. Автоматлаштиришнинг умумий рўйхатидан қуйидаги функцияларни алоҳида ажратиш мақсадида мувофиқдир: ер участкасига бўлган ҳуқуқларни бирламчи рўйхатга олиш; ер участкаларини захиралаш; ер участкасига бўлган ҳуқуқларни аниқлаш; ер ажратиш; йиғма ер кадастри ҳужжатларини юрийтиш; ерларни йўқлама қилиш; ер майдонларини иқтисодий баҳолаш; аҳоли пунктлари ерларининг мониторинги; ердан фойдаланишнинг давлат назорати [12, 13, 14]. Аҳоли пунктлари ерларининг мониторинги алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки, ер мониторинги – ерларда назорат ўтказиш, ерларни ҳимоя қилиш ва ерлардан самарали фойдаланиш учун умумий кузатув ишларини амалга оширувчи тадбир ҳисобланади. Ер мониторингини ўтказиш, ерларни рекултивация қилиш тартиби ва назорат ўтказиш турлари ва усулларини ягона тизим асосида, давлат томонидан тасдиқлангандан кейин амалга оширилади [15, 16, 17, 18].

Юқорида қайд қилинган функцияларни автоматлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган ахборотлар тизими қуйидагиларни таъминлаши зарур бўлади:

- ердан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисидаги ўлчамли ахборотларни киритиш, сақлаш ва қайта ишлашни;
- ердан фойдаланувчи субъектлар тўғрисидаги, ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги ахборотларни киритиш, сақлаш ва қайта ишлашни;
- ер участкаси бўйича график ахборотларни киритиш, сақлаш ва қайта ишлашни;
- автоматлаштирилган давлат ер ҳисобини юрийтишни;
- ер учун тўловларни келиб тушишини назорат қилишни;
- аҳоли пунктлари чегарасидаги ер ресурсларидан фойдаланишни назорат қилишни.

Автоматлаштирилган ахборотлар тизими қатор функционал ва сервис кичик тизимлардан ташкил топган бўлиши зарур. Бундай кичик тизимларга қуйидагиларни киритиш мумкин: маълумотномалар ва классификаторларни; маълумотларни архивлаш; ахборотни ҳимоялаш ва ушбу ахборотлардан фойдаланишни чегаралаш; тизимни маъмурийлаш. Маълумотлар базаси тизимини шакллантириш ва биринчи навбатида дастурли таъминотни ишлаб чиқариш

учун «Рўйхатга олиш»да функционал кичик тизим танланди. У қуйидаги мажмуали вазифалардан ташкил топган бўлиши керак: ердан фойдаланишларни бирламчи рўйхатга олиш; ер участкаларини захиралаш; ҳуқуқни гувоҳлаш; йўқлама қилиш; ер участкаларини ажратиб беришдан иборат ҳолда шакллантирилади. Ҳар бир кичик тизим доирасида параметрик маълумотлардан ташқари график ахборотларни турли қатламлар кўринишида гуруҳлайдиган қайта ишлаш амалга оширилади. График маълумотларнинг қуйидаги қатламларини ажратиш мумкин: топографик асос, қизил чизиқлар, шаҳарни баҳолаш минтақасининг чегараси; декларация қилинадиган ердан фойдаланиш контурлари; захиранган ер участкаларининг контурлари; гувоҳлик берилган ҳуқуқли участкалар контурлари; экологик минтақалар чегаралари. Муаллифлар томонидан автоматлаштирилган ахборотлар тизимини ишлаб чиқишда геоахборот тизим концепцияси базавий ёндашув сифатида қабул қилинган. У рўйхатга олинаётган объектларни кенглик нуқтаи назардан жойлашувини ва уларни жойда координатларини боғлашни кўзда тутди. Маълумки, геоахборот тизимининг асосий вазифалари – бу фазовий маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш орқали автоматлашган рақамли маълумотлар базасини яратиш, уни келгусида таҳлил қилиш ва босмага чиқариш учун сақлашдан иборат [19, 20].

Қуйидаги расмда пахта-ғалла етиштирувчи фермер хўжалиги ер участкасида шаклланиши мумкин бўлган маълумотлар тизими акс эттирилган бўлиб, унда ер участкалари (16), ердан фойдаланиш даражасини аниқловчи (12) ва табиий-иқтисодий (15 та) кўрсаткичлар аниқланган (1-расм).

Демак, қишлоқ хўжалиги субъектлари учун ер кадастр маълумотларини уларнинг ихтисослиги ва ер тоифасига



1-расм. Қишлоқ хўжалиги ердан фойдаланувчи субъектлари бўйича ер кадастри маълумотлар тизими мансублигини ҳисобга олган ҳолда шакллантириш мақсада мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса. Ер кадастри ахборот базасини янгилаб беришда қишлоқ хўжалик ерларини йўқламадан ўтказиш маълумотлари муҳим кўрсаткичлар таркибига киради. Ерларни йўқлама қилиш ер ҳисобини ўтказиш билан бир вақтнинг ичида бажариладиган тадбир бўлиб, унда ҳар қайси хўжалик бўйича қуйидагиларни амалга ошириш тавсия этилади:

- қишлоқ хўжалик ер турларининг майдони тўғрисида аниқ маълумотлар олиш ва уларни план-харита асосида кўрсатиш;
- тупроқ кузатув ҳужжатлари асосида қишлоқ хўжалик ер турларининг сифатига тавсиф бериш;
- ер устини текислаш, коллектор-зовур ва сугориш тармоқларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш учун зарур бўлган майдонларни аниқлаш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган функцияларни қишлоқ хў-

жалигига татбиқ этиш жараёнида юзага келадиган катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлаш, сақлаш ва тизимлаш туман ер кадастрининг автоматлашган ахборотлар тизимини яратишни талаб қилади. Туман ер кадастрини юритишни автоматлаштириш мақсади ер ва кўчмас мулк муносабатларини иқтисодий-ҳуқуқий мувофиқлаштириш

жараёнларини ахборотли таъминлашга мўлжалланган қарорлар қабул қилиш, уларнинг бажарилишини назорат этишни ахборотли таъминлаш жараёнини автоматлаштириш асосида қишлоқ хўжалиги субъектларида ердан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш ушбу тизимни яратиш лозимлигини билдиради.

№	Адабиётлар	References
1	Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // "Irrigatsiya va melioratsiya" журнали. – Тошкент, 2017. №4(10). – Б. 70-75.	Mirziyoyev Sh.M. <i>Uzbekistan Respublikasi prezidenti Shavkat Mirziyoevning kishlok khuzhaligi khodimlari kungiga bagishlangan tantanali marosimdagi nutqi</i> [Speech by President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the solemn ceremony dedicated to the Day of Agricultural workers]. Journal Irrigatsiya va melioratsiya. Tashkent. 2017. No 4(10). Pp. 70-75. (in Uzbek)
2	Рахмонов Қ., Нарбаев Ш., Муқимов З. Ер ресурсларини бошқариш. – Тошкент, 2018. – 154 б.	Rakhmonov Q., Narbaev Sh., Mukimov Z. <i>Er resurslarini boshkarish</i> [Land management]. Tashkent 2018. 154 p. (in Uzbek)
3	Варламов А.А., Севостьянов А.В. Земельный кадастр. – Москва, Колос, 2006, Том 4. – 265 с.	Varlamov A.A., Sevostyanov A.V. <i>Zemelnyy kadastr</i> [Land Cadastre]. Moscow. Kolos, 2006, Volume 4. 265 p. (in Russian)
4	Авезбаев С., Волков С.Н., Ер тузиш иқтисоди. – Тошкент, Янги аср авлоди, 2002, – 640 б.	Avezbaev S., Volkov S. <i>Ertuzish iqtisodi</i> [Economics of land management]. Tashkent. Yangi asr avlodi, 2002, 640 p. (in Uzbek)
5	Волков С.Н. Экономика землеустройства. – Москва: Колос, 1996. – 560 с.	Volkov S.N. <i>Ekonomika zemleustroystva</i> [Economics of land management]. Moscow. Kolos, 1996. 560 p. (in Russian)
6	Временные указания по составлению и оформлению земельно-кадастровых карт и планов РД-34-021-00. – Ташкент, 2000. – 18 с.	<i>Vremenniy ukazaniya po sostavleniyu i oformleniyu zemelno-kadastrovichk kart i planov</i> [Temporary instructions on the preparation and execution of land cadastral maps and plans] RD-34-021-00. Tashkent, 2000. 18 p.
7	Временные указания по составлению и оформлению земельно-кадастровых карт и планов. РД-34-0212-00. – Ташкент, 2002. – 22 с.	<i>Vremenniy ukazanie po sostavleniyu i oformleniyu zemelno-kadastrovichk kart i planov</i> [Temporary instructions on the preparation and execution of land cadastral maps and plans]. RD-34-0212-00. Tashkent, 2002. 22 p. (in Russian)
8	Умурзаков Ў.П., Рахмонов Қ.Р. Ер кадастри-ахбороти базасини яратиш самарадорлиги // "Irrigatsiya va melioratsiya" журнали. 2017. №3(9), – Б.42-52.	Umurzakov U.P., Rakhmonov K.R. <i>Er kadastr-akhborot bazasini yaratish samaradorligi</i> [Effectiveness of creating an Earth-database]. Journal Irrigatsiya va melioratsiya. No 3 (9). 2017. 42-52 p. (in Uzbek)
9	Рахмонов Қ.Р. Хорижий мамлакатларда ер кадастри ахборотларини яратиш тажрибаси. "Irrigatsiya va melioratsiya" журнали. 2018. Махсус сон. – Б.121-126.	Rakhmonov K.R. <i>Khorizhiy mamlakatlarda er kadastr axborotlarini yaratish tajribasi</i> [Experience in compiling land cadastre information abroad]. Journal Irrigatsiya va melioratsiya. 2018. 121-126 p. (in Uzbek)
10	Рахмонов Қ.Р. Ер кадастри ахборотини ишлаб чиқишнинг методологик асослари. "Irrigatsiya va melioratsiya" журнали. 2018. Махсус сон. – Б.127-131.	Rakhmonov K.R. <i>Er kadastr axborotini ishlab chikishning metodologik asoslari</i> [Methodological bases of development of land cadastre information]. Journal Irrigatsiya va melioratsiya. Special number. 2018. 127-131 p. (in Uzbek)
11	Рахмонов Қ.Р. Ер кадастри-ахбороти базасини яратиш модели. Илмий-техника. 2018. №2. – Б.173-176. Фаргона политехника институти.	Rakhmonov K.R. <i>Er kadastr axboroti bazasini yaratish modeli</i> [Model of Earth-Database Creation]. Science and Technology. No2 2018. Pp.173-176. Fergana Polytechnic Institute (in Uzbek)
12	Рахмонов Қ.Р., Ш.Н. Зокиров, Ж.О. Лапасов Ер кадастри-ахбороти маълумотларини қабул қилиш, киритиш ва қайта ишлашда кадастр рақамларини қўллаш // "Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг долзарб маммолари" республика илмий-амалий анжумани мақолалари тўплами. – Тошкент, – 2012. – Б.83-85.	Rakhmonov K.R., Zokirov Sh.N., Lapasov O.J. <i>Er kadastr axboroti ma'lumotlarini qabul kilish, kiritish va kayta ishlashda kadastr raqamlarini kullash</i> [Application of cadastral numbers in receiving, entering and processing land-information] Collection of articles of the Republican scientific-practical conference "Actual problems of efficient use and protection of land resources". Tashkent, 2012. Pp.83-85. (in Uzbek)
13	Рахмонов Қ.Р. Ер участкаси-ер кадастрининг бирламчи маълумотлар манбаи сифатида. "Irrigatsiya va melioratsiya" журнали. – Тошкент, 2016. – №4(6). – Б.63-66.	Rakhmonov K.R. <i>Er uchastkasi er kadastrining birlamchi ma'lumotlar manbai sifatida</i> [Effectiveness of creating an Earth-database]. Irrigatsiya va melioratsiya. No 4(6). 2016. Pp. 63-66. (in Uzbek)
14	Бобожонов А.Р., Рахмонов Қ.Р., Гофиров А.Ж. Ер кадастри. – Тошкент 2014, 189 б.	Bobojonov A.R., Rakhmonov K.R., Gafirov A.J. <i>Er kadastr</i> [Land Cadastre]. Tashkent 2014, 189 p. (in Uzbek)
15	«Давлат ер кадастри тўғрисида» ги Қонун. – Тошкент: «Адолат», 1999.	<i>"Davlat er kadastr tugrisida" gi konun</i> [Law "On the State Land Cadastre"]. "Adolat", Tashkent. 1999 (in Uzbek)
16	«Давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида Низом», Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамаси 543 сонли қарори. – Тошкент: (31.12.1998).	<i>"Davlat er kadastrini yuritish tugrisidagi Nizom"</i> [Regulation on conducting State Land Cadastre]. Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No 543. Tashkent. (31.12.1998). (in Uzbek)
17	Рахмонов Қ. Ер мониторинги. – Тошкент, 2017. – 155 б.	Rakhmonov K. <i>Er monitoringi</i> [Land monitoring]. Tashkent 2017. 155 p. (in Uzbek)
18	Ўзбекистон Республикасининг "Ер кодекси". – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.	<i>Uzbekistan Respublikasi Er kodeksi</i> [Land Code of the Republic of Uzbekistan] Tashkent, Uzbekistan, 1998. (in Uzbek)
19	Болтаев Т.Х., Рахмонов Қ.Р., Акбаров М.С. Геоахборот тизимининг илмий асослари. – Тошкент, 2016. – 284 б.	Boltaev T.K., Rakhmonov K.R., Akbarov M.S. <i>Geoakhborot tizimining ilmiy asoslari</i> [Scientific bases of Geoinformation systems]. Tashkent 2016, 284 p. (in Uzbek)
20	Мартыненко А. И., Бугнаевский Ю. Л., Шибалов С.Н. «Основы ГИС, теория и практика». – Москва, 1995. – 232 с.	Martynenko A.I., Bugaevsky Yu.L., Shibalov S.N. <i>Osnovy GIS, teoriya i praktika</i> [Fundamentals of GIS, theory and practice]. Moscow. 1995. 232 p.